# I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-мартида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 91 097,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-марти билан таққослаганда 5,3 % га ўсди. ЯИМ дефлятори индекси 2018 йилнинг январь-мартидаги нархларга нисбатан 120,4 % ни ташкил этди.

***ЯИМ*** *- иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган Миллий хисоблар тизимининг асосий кўрсаткичларидан биридир.*

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ 2 734,4 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,4 % га юқоридир.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ ни ишлаб чиқариш**

| | *Млрд. сўм* | | *Физик хажм индекси, % да* | *ЯИМ ўсишидаги хиссаси, % да* |
|---|---|---|---|---|
| | *2018 й. январь-март* | *2019 й. январь-март* | | |
| **ЯИМ - жами** | **71 875,0** | **91 097,7** | **105,3** | **5,3** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| **Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **61 367,5** | **80 783,7** | **105,2** | **4,5** |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 10 194,1 | 11 996,0 | 102,5 | 0,4 |
| саноат | 18 574,6 | 27 415,3 | 106,8 | 1,8 |
| қурилиш | 4 068,3 | 4 907,8 | 105,9 | 0,3 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 5 888,3 | 6 891,8 | 104,2 | 0,3 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 6 796,3 | 7 877,2 | 104,2 | 0,4 |
| бошқа хизмат тармоқлари | 15 845,9 | 21 695,6 | 105,7 | 1,3 |
| **Махсулотларга соф солиқлар** | **10 507,5** | **10 314,0** | **105,8** | **0,8** |

Иқтисодий ўсиш суръати иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий динамика билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (кейинги ўринларда ЯҚҚ) ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 88,7 % ини ташкил этди ва 5,2 % га ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 4,5 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 11,3 % ни ташкил этди ва 5,8 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,8 ф.п.).

ЯИМ ўсиш суръатига хизматлар соҳаси энг катта таъсир кўрсатди (2,0 ф.п.) ва бу соҳа ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,0 % га ўсди. Шундан, савдо хизматлари (автотранспорт воситаларини таъмирлаш хизматларини қўшган ҳолда) 4,2 % га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 3,7 % га, ташиш ва сақлаш 4,6 % га, ахборот ва алоқа 2,7 % га ва бошқа хизматлар 5,7 % га ўсди.

Саноат тармоғининг қўшилган қийматида 6,8 % лик ўсиш қайд этилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМ мутлоқ ўсиш суръатига ижобий таъсири 1,8 ф.п. даражасида баҳоланди. Саноат тармоғидаги ижобий динамика тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғи қўшилган қийматининг 4,8 % га, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат тармоғи қўшилган қийматининг 7,6 % га ва бошқа саноат тармоқларининг 5,5 % га ўсиши ҳисобига таъминланди.

## Саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби

| | *Млрд.сўм* | | *Физик ҳажм индекси, % да* |
|---|---|---|---|
| | *2018 й. январь-март* | *2019 й. январь-март* | |
| **Саноат** | **18 574,6** | **27 415,3** | **106,8** |
| *шу жумладан:* | | | |
| тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 3 946,3 | 5 974,4 | 104,8 |
| ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат | 13 000,1 | 18 831,5 | 107,6 |
| саноатнинг бошқа тармоқлари | 1 628,2 | 2 609,4 | 105,5 |

**Январь-март ойларида**
**саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*




2019 йилнинг январь-марти якунлари бўйича, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати қўшилган қиймати таркибида энг катта улуш металлургия ва метални қайта ишлаш саноатига (машина ва ускуналардан ташқари) тўғри келди ва 36,7 % ни ташкил этди. Тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг улуши 14,6 %, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 13,6 %, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 8,7 %, резина, пластмасса буюмлар ва бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш – 8,4 %, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ҳамда бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш – 6,3 %, электр ускуналар ишлаб чиқариш – 2,8 % ва ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатининг бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 8,9 % ни ташкил қилди.

**Январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат ялпи қўшилган қийматининг таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*

| | *2018 й.* | *2019 й.* |
|---|---|---|
| **Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат - жами** | **100,0** | **100,0** |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 14,6 | 13,6 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлиб чиқариш | 16,9 | 14,6 |
| Ёғоч ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш; ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 2,0 | 1,7 |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 2,1 | 2,8 |
| Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 10,2 | 8,7 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 1,2 | 1,1 |
| Резина, пластмасса буюмлар ва бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 10,2 | 8,4 |
| Металлургия ва металлни қайта ишлаш саноати (машина ва ускуналардан ташқари) | 30,3 | 36,7 |
| Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 0,5 | 0,3 |
| Электр ускуналар ишлаб чиқариш | 2,9 | 2,8 |
| Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш | 1,4 | 0,9 |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа транспорт ускуналарини ишлаб чиқариш | 5,3 | 6,3 |
| Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш; машина ва ускуналарни таъмирлаш ҳамда ўрнатиш | 2,4 | 2,1 |

Қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 5,9 % га ўсди. ЯИМ нинг мутлоқ ўсишида қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,3 ф.п. даражасида баҳоланди.

2019 йилнинг январь-марти якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 2,5 % даражасида ижобий ўсиш қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯИМ мутлоқ ўсиш суръатига таъсири 0,4 ф.п. ни ташкил этди.

**2019 йилнинг январь-март ойларида**
**ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси**
*(жамига нисбатан % да)*




2019 йилнинг январь-мартида ЯИМ дефлятори индекси 2018 йилнинг мос давридаги нархларга нисбатан 120,4 % ни ташкил этди. ЯИМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари саноат тармоғида – 138,2 % ва бошқа хизматларда – 129,5 % қайд этилди.

Республиканинг ўртача даражасидан паст бўлган дефлятор индекслари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 114,8 %, қурилишда – 113,9 %, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 112,3 %, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада – 111,2 %, ва маҳсулотларга соф солиқларда – 92,7 % қайд этилди.

**2019 йилнинг январь-март ойларида ЯИМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси**

*(2018 йилнинг январь-мартига нисбатан % да)*




Ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда ЯИМ тармоқлари бўйича таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 16,6 % дан 14,9 % га, қурилишнинг улуши 6,6 % дан 6,1 % га камайди, саноатнинг улуши эса 30,3 % дан 33,9 % га ўсди.

Хизматлар соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуши 45,1 % ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 1,4 ф.п. га камайди.

**Январь-март ойларида ЯИМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*




***Ялпи худудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.*

## 2019 йил январь-март ойлари учун ялпи ички (худудий) маҳсулот

| | *ЯИМ (ЯҲМ)* | | *Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)* | |
|---|---|---|---|---|
| | *млрд. сўм* | *ўсиш суръати, % да* | *минг. сўм* | *ўсиш суръати, % да* |
| **Ўзбекистон Республикаси** [1)] | **91 097,7** | **105,3** | **2 734,4** | **103,4** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3 379,2 | 101,6 | 1 804,6 | 100,1 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 4 799,7 | 107,7 | 1 562,4 | 105,7 |
| Бухоро | 4 325,2 | 106,3 | 2 279,5 | 104,6 |
| Жиззах | 2 214,9 | 103,5 | 1 634,2 | 101,3 |
| Қашқадарё | 6 315,9 | 100,0 | 1 961,8 | 98,0 |
| Навоий | 6 784,5 | 102,5 | 6 915,2 | 100,7 |
| Наманган | 3 368,4 | 104,3 | 1 221,3 | 102,3 |
| Самарқанд | 5 791,2 | 105,2 | 1 521,5 | 103,0 |
| Сурхондарё | 3 092,1 | 103,4 | 1 200,7 | 101,1 |
| Сирдарё | 1 803,0 | 102,6 | 2 168,6 | 100,8 |
| Тошкент | 9 446,0 | 106,1 | 3 254,1 | 104,7 |
| Фарғона | 5 761,0 | 106,1 | 1 561,5 | 104,3 |
| Хоразм | 3 140,3 | 105,5 | 1 708,3 | 103,8 |
| Тошкент ш. | 14 038,8 | 105,3 | 5 578,9 | 103,3 |

2019 йилнинг январь-март ойлари якунлари бўйича Андижон (107,7%), Бухоро (106,3 %), Фарғона (106,1 %), Тошкент (106,1 %) ва Хоразм (105,5 %) вилоятларида юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Республика даражасига (105,3 %) нисбатан паст ўсиш суръатлари Қорақалпоғистон Республикаси (101,6 %), Қашқадарё (100,0 %), Навоий (102,5 %) ва Сирдарё (102,6 %) вилоятларида кузатилди.

1) *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда*

**2019 йил январь-март ойларида**
**ЯИМ ни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки**
*(ЯИМ га нисбатан % да)*




Республика бўйича ЯИМ нинг шаклланишида Тошкент шаҳри 15,4 % улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Тошкент вилояти 10,4 % ва Навоий вилояти 7,4 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМ ни шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (2,0 %), Жиззах (2,4 %), Сурхондарё (3,4 %) ҳамда Хоразм (3,4 %) вилоятларига тўғри келмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-март ойларида **Қорақалпоғистон Республикаси** ЯҲМ ҳажми жорий нархларда 3 379,2 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 1,6 % га ўсди. ЯҲМ нинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 102,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 13,1 %), қурилиш – 111,7 % (8,4 %), хизматлар соҳаси – 106,0 % (41,9 %) каби ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Саноат тармоғида эса, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва ўтган йилнинг январь-мартига нисбатан 95,7 % ни ташкил этди (ушбу тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 36,6 %). Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 1 804,6 минг сўмни ташкил этди ва 0,1 % га ўсди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 2 771,5 | 3 379,2 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 2 513,6 | 3 019,0 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 313,8 | 396,5 |
| Саноат | 1 047,9 | 1 106,3 |
| Қурилиш | 182,6 | 253,5 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 166,2 | 196,2 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 196,7 | 226,3 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 606,4 | 840,2 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 257,9 | 360,2 |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*



**Андижон вилоятида** ЯҲМ ҳажми 7,7 % га ўсди ва 4 799,7 млрд. сўмни ташкил этди. Иқтисодий ўсиш қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 103,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 21,3 %), саноатда - 119,2 % (32,3 %), қурилишда – 104,9 % (4,9 %), хизматлар соҳасида – 103,0 % (41,5 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари натижасида таъминланди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 1 562,4 минг сўмни ташкил этди ва 5,7 % га ўсди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 3 528,2 | 4 799,7 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 3 419,9 | 4 569,6 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 817,7 | 973,6 |
| Саноат | 908,0 | 1 478,2 |
| Қурилиш | 177,6 | 225,2 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 383,1 | 441,3 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 344,0 | 368,8 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 789,5 | 1 082,5 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 108,3 | 230,1 |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*



**Бухоро вилоятида** ЯҲМ 6,3 % га ўсди ва 4 325,2 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг тармоқ таркибида ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 103,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 25,5 %), саноатда – 101,7 % (28,3 %), қурилишда – 131,3 % (7,0 %), хизматлар соҳасида – 106,5 % (39,2 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 4,6 % га ўсди ва 2 279,5 минг сўмни ташкил этди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 3 088,0 | 4 325,2 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 2 798,0 | 3 864,9 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 814,6 | 985,4 |
| Саноат | 599,9 | 1 094,3 |
| Қурилиш | 191,0 | 269,7 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 325,7 | 387,9 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 288,3 | 319,2 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 578,5 | 808,4 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 290,0 | 460,3 |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*



**Жиззах вилоятида** ЯҲМ 3,5 % га ўсди ва 2 214,9 млрд. сўмни ташкил этди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 39,1 %), қурилишда – 114,7 % (8,1 %), хизматлар соҳасида – 105,2 % (38,7 %) ни ташкил этди. Саноат тармоғида эса ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 98,3 % ни ташкил этди (ушбу тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 14,1 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 1 634,2 минг сўмни ташкил этди ва 1,3 % га ўсди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 1 785,0 | 2 214,9 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 1 720,3 | 2 086,9 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 739,5 | 815,2 |
| Саноат | 218,4 | 294,1 |
| Қурилиш | 133,5 | 169,6 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 157,8 | 190,4 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 113,9 | 121,0 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 357,2 | 496,6 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 64,7 | 128,0 |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*



**Қашқадарё вилояти** ЯҲМ ҳажми 6 315,9 % млрд. сўмни ташкил этди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даври даражасида (100,0 %) сақланиб қолди. Иқтисодиётнинг қуйидаги асосий тармоқларида ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида – 101,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 18,9 %), қурилишда – 111,1 % (6,4 %), хизматлар соҳасида – 103,6 % (33,5 %). Шунингдек, ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда саноат тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 94,2 % ни ташкил этди (мазкур тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 41,2 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2,0 % га камайди ва 1 961,8 минг сўмни ташкил этди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 4 665,9 | 6 315,9 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 4 351,7 | 5 682,3 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 915,5 | 1 074,3 |
| Саноат | 1 648,3 | 2 339,7 |
| Қурилиш | 289,7 | 361,4 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 344,2 | 395,3 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 288,2 | 317,8 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 865,8 | 1 193,8 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 314,2 | 633,6 |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*



**Навоий вилояти** ЯҲМ ҳажми 6 784,5 млрд. сўмга етди ва ўсиш 2,5 % ни ташкил этди. ЯҲМ нинг ўсиши ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 102,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 9,4 %), саноатда – 100,1 % (72,2 %), қурилишда – 142,7 % (4,2 %), хизматлар соҳасида – 102,4 % ни (14,2 %) ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 0,7 % га ўсди ва 6 915,2 минг сўмни ташкил этди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 4 196,3 | 6 784,5 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 4 054,1 | 6 515,0 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 515,0 | 613,5 |
| Саноат | 2 643,6 | 4 704,9 |
| Қурилиш | 154,3 | 271,5 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 203,8 | 238,9 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 143,1 | 146,0 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 394,3 | 540,2 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 142,2 | 269,5 |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*



**Наманган вилоятида** ЯҲМ 3 368,4 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса ўтган йилнинг январь-март ойлари маълумотларига нисбатан 4,3 % га кўпдир. ЯҲМ нинг ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 102,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 25,2 %), саноатда – 105,7 % (17,3 %), қурилишда – 106,7 % (5,6 %) ва хизматлар соҳасида – 104,8 % (51,9 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2,3 % га ўсди ва 1 221,3 минг сўмни ташкил этди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 2 653,1 | 3 368,4 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 2 559,9 | 3 192,8 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 710,1 | 805,4 |
| Саноат | 407,2 | 551,1 |
| Қурилиш | 148,2 | 178,2 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 303,1 | 365,4 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 243,5 | 264,8 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 747,8 | 1 027,9 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 93,2 | 175,6 |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*



**Самарқанд вилоятида** ЯҲМ ҳажми 5 791,2 млрд. сўмни ташкил этди ва ўсиш суръати 5,2 % га етди. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 29,7 %), саноат тармоғида – 117,0 % (20,0 %), қурилишда – 106,5 % (4,8 %), хизматлар соҳасида – 103,0 % (45,5 %) ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 3,0 % га ўсди ва 1 521,5 минг сўмни ташкил этди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 4 485,4 | 5 791,2 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 4 365,8 | 5 570,7 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1 345,9 | 1 653,8 |
| Саноат | 774,5 | 1 112,2 |
| Қурилиш | 233,3 | 268,4 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 447,9 | 525,2 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 472,2 | 513,8 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 1 092,0 | 1 497,3 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 119,6 | 220,5 |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*



**Сурхондарё вилоятида** ЯҲМ 3,4 % га ўсди ва 3 092,1 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг ўсишига таъсир қилувчи омиллар бўлиб, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 102,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 31,8 %), қурилишда – 125,5 % (7,8 %), хизматлар соҳасида – 104,2 % (50,8 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари хизмат қилди. 2018 йилнинг январь-марти билан таққослаганда саноат тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 87,9 % ни ташкил этди (мазкур тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 9,6 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 1 200,7 минг сўмни ташкил этди ва 1,1 % га ўсди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 2 476,9 | 3 092,1 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 2 377,4 | 2 900,9 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 792,9 | 923,3 |
| Саноат | 267,2 | 277,2 |
| Қурилиш | 160,0 | 225,4 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 331,6 | 397,3 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 192,2 | 208,6 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 633,5 | 869,1 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 99,5 | 191,2 |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*



**Сирдарё вилоятида** ЯҲМ 2,6 % га ўсди ва 1 803,0 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Хусусан, ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 100,4 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 26,1 %), саноатда 100,5 % (35,8 %), қурилишда 107,2 % (5,0 %), хизматлар соҳасида 105,6 % (33,1 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 2 168,6 минг сўмни ташкил этди ва 0,8 % га ўсди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 1 322,4 | 1 803,0 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 1 228,9 | 1 601,4 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 381,3 | 417,7 |
| Саноат | 375,6 | 573,9 |
| Қурилиш | 60,7 | 80,3 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 92,6 | 112,2 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 77,4 | 80,3 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 241,3 | 337,0 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 93,5 | 201,6 |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*



**Тошкент вилоятида** ЯҲМ 6,1 % га ўсди ва 9 446,0 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг ўсиши худуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Жумладан: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 102,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 17,1 %), саноатда – 108,2 % (51,8 %), қурилишда – 117,1 % (3,8 %), хизматлар соҳасида – 104,1 % (27,3 %) ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,7 % га ўсди ва 3 254,1 минг сўмни ташкил этди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 6 971,7 | 9 446,0 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 6 543,4 | 8 634,1 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1 322,7 | 1 473,1 |
| Саноат | 3 087,7 | 4 468,4 |
| Қурилиш | 230,6 | 326,2 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 549,5 | 650,8 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 466,1 | 519,0 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 886,8 | 1 196,6 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 428,3 | 811,9 |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*



**Фарғона вилоятида** ЯҲМ 6,1 % га ўсди ва 5 761,0 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг ўсиши ҳудуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 105,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 17,3 %), саноатда – 105,5 % (31,3 %), қурилишда – 121,6 % (6,5 %), хизматлар соҳасида – 104,7 % (44,9 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 1 561,5 минг сўмни ташкил этди ва 4,3 % га ўсди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 4 092,9 | 5 761,0 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 3 898,1 | 5 303,3 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 767,3 | 920,1 |
| Саноат | 1 030,9 | 1 660,8 |
| Қурилиш | 240,1 | 345,3 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 434,7 | 523,8 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 385,2 | 426,3 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 1 039,9 | 1 427,0 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 194,8 | 457,7 |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*



**Хоразм вилоятида** ЯҲМ 3 140,3 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,5 % га кўпдир. ЯҲМ нинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 104,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 31,9 %), саноатда – 108,8 % (20,2 %), қурилишда – 105,7 % (6,1 %), хизматлар соҳасида – 105,2 % (41,8 %) кузатилган ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 3,8 % га ўсди ва 1 708,3 минг сўмни ташкил этди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 2 367,0 | 3 140,3 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 2 270,1 | 2 955,7 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 757,8 | 944,1 |
| Саноат | 408,7 | 597,9 |
| Қурилиш | 148,7 | 179,8 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 174,4 | 216,0 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 220,8 | 237,2 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 559,7 | 780,7 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 96,9 | 184,6 |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*



**Тошкент шаҳрида** ЯҲМ 5,3 % га ўсди ва 14 038,8 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМ ўсишининг асосий омиллари бўлиб, саноат – 102,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 33,4 %), қурилиш – 115,7 % (7,8 %), хизматлар соҳасидаги – 105,5 % (58,8 %) ижобий ўсиш суръатлари ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 3,3 % га ўсди ва 5 578,9 минг сўмга етди.

| | 2018 йил январь-март | 2019 йил январь-март |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 10 902,8 | 14 038,8 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 9 786,8 | 12 078,7 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 3 121,7 | 4 037,3 |
| Саноат | 729,0 | 948,0 |
| Қурилиш | 1 973,6 | 2 251,1 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1 585,8 | 1 733,4 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 2 376,7 | 3 108,9 |
| Бошқа хизмат соҳалари | 1 116,0 | 1 960,1 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | | |

**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*




**2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-март ойларига нисбатан % да)*

